



4

Гулсанам МАМАЗОЙТОВА:
КЎНГИЛДАН ЙИРОК
КЕТИБ БЎЛМАЙДИ



5

БОЛАНГИЗГА
ЭНАГА КЕРАКМИ?



"ЎТКИНЧИ" ОВУНЧОК

8

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад КАРИМ
сурат-лавҳаси.

Хунардан зар унади



"ОБУНА - 2014"

"Оила ва жамият"

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азвоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

Индекс — 176



ҲИКМАТ
Ҳаё ва сабр
қилишдек
иймон
бўлмас.

Али ибн Абу Толиб

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-КИЗЛАР КҰМИТАСИДА

ҲАМКОРЛИКНИНГ
АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Юртимизда одам савдоси жинояти, уларни келтириб чиқарувчи шартшароитларни бартаф этиш, одам савдосидан жабрланган фуқароларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда бандлигини таъминлаш, республикамиз ҳудудида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида ҳам одам савдоси жиноятдан жабрланган аёлларга ёрдам кўрсатиш, турли жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасида масъул ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда одам савдосига қарши курашиш республика идоралараро комиссияси вакиллари ва барча вилоят ҳудудий идораларининг ишчи гуруҳи аъзоси бўлган хотин-қизлар, масъул ходимлар иштирокида "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш усуллари"га қаратилган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланишича, одам савдосининг салбий оқибатлари ҳақида кўмита ва ҳамкор ташкилотлар томонидан аҳолининг, хотин-қизларнинг хабардорлигини ошириш бўйича 156 558 та тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган. Кўмита томонидан ишлаб чиқилган "Оилага кириш", "Саломатлик", "Таълим ва тарбия", "Бандлик", "Ҳуқуқбузарлик профиллактикаси" каби йўналишларни ўз ичига олган секторлар ишининг йўлга қўйилиши натижасида нотинч оилалар, хотин-қизлар томонидан содир этил-

ган жиноятлар, жиноят содир этган хотин-қизлар, фоҳишабозлик ҳолатлари, хорижий давлатлардан депортация қилинган аёллар, гиёҳванд аёллар сони кескин камайган.

Одам савдоси жинояти кўрсаткичини қисқартиришга эришишнинг яна бир қулай йўли аёллар бандлигини таъминлашдир. Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси БМТнинг UN WOMEN тузилмаси билан ҳамкорликдаги лойиҳа асосида мингдан ортиқ қишлоқ аёлларининг иқтисодий билимлари оширилди, 521 нафар аёлларга микрокредитлар ажратилди, 535 нафар аёлларнинг бандлик масаласи ҳал этилди.

– Ушбу анжуманни ўтказишдан асосий мақсадимиз ҳам фуқароларимизни одам савдоси курбони бўлиб қолишининг олдини олиш ва жойларда мазкур жиноятдан жабрланган фуқароларни, айниқса, аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларга тиббий, психологик ёрдам бериш ва бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаб олишдан иборат, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва террорчиликка қарши курашиш Бош бошқармасининг Одам савдосига қарши курашиш бўлими бошлиғи Эшқобил Дўсанов**. – 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Шунга қўра, Президентимиз томонидан 2008 йилнинг 8 июлида "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилиниб, унга мувофиқ ушбу жиноятга қарши курашиш бўйича республика идоралара-

ро комиссияси тузилди. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, жазо чоралари кучайтирилди. Ушбу моддада белгиланишича – одам савдоси, яъни одамни олиш-соттиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Дастлабки тергов жараёнларидан бошлаб жабрланувчи деб эътироф этилган фуқароларимизнинг соғлиғини тиклаш борасида тиббий кўриқдан ўтказиш учун республикамизда реабилитация маркази ташкил этилган. Жамоат ташкилотлари томонидан бу борада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, мана шу иллатнинг домига тушиб қолаётган, алданаётган фуқароларимиз ҳам йўқ эмас. Шу сабаб масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда, маҳалла фуқаролари йиғинлари, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириб, жабрланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатъий чоралар кўришимиз лозим.

Анжуманда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталарида фаолият олиб бораётган масъул ходимлар одам савдосига қарши курашишдаги қонуни ҳужжатлар билан яқиндан таништирилди, мазкур меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш борасида учрайдиган камчиликларни бартаф этиш юзасидан амалий тавсиялар ва маслаҳатлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Гулноза САИДВАФО қизи,
"Оила ва жамият" мухбири.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ
КУЧАЙМОҚДА

Инсон яшар экан, ҳаётидаги ҳар бир воқеани туғилишидан торттиб, токи бу дунёдан ўтгани қонуний расмийлаштириш учун ФХДЭ ва давлат нотариал идоралари томонидан кўрсатилган ҳуқуқий хизматга эҳтиёж туяди.

Мамлакатимизда нотариал идораларнинг аҳолига малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий компьютер, нусха қўчириш ва бошқа техника воситалари билан таъминланган. Фуқароларга нотариал ва ҳуқуқий хизмат кўрсатиши янада яхшилаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қўламини тобора кенгаймоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ жойларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу ҳудудларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада юксалтириш, хорижий инвестицияларни рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний ара-лашувларни чеклаш, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ишла-тиш чораларини кўриш масаласида адлия бошқармалари бўлимларида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бу каби долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларнинг ижросини ўрганиш билан бир қаторда, қишлоқ жойлардаги аҳолини, шу жумладан, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онгини ошириш, амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг халқ оmmasига тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз.

Шаҳноза ЁҚУБОВА,
Бўка тумани 2-сонли ДНИ нотариуси.

БАҲАМЖИҲАТ МАҲАЛЛА

Пискент туманидаги "Ойбек" маҳалласи аҳолининг аҳиллигига, ҳар бир ишни ҳамжиҳатлик билан бамаслаҳат амалга оширишига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Шундоққина шаҳар марказида жойлашган бу масканда ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида маҳалла идораси қайта таъмирланиб, компьютер жамланмаси билан жиҳозланди. Болалар минийўингоҳи ишга туширилиб, носоз кўчалар асфальт қилинди. Айни дамда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови-га жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

– Маҳалламизда азалдан яхши бир анъана бор, – дейди **маҳалла раиси Фарҳод ака Сунонов**, – ҳар қандай ишни бошлашдан олдин барчамиз йиғилиб, бир пиёла чай устида маслаҳатлашиб оламиз. Бунда, албатта, бизга маҳалламиз тадбиркорлари ва аҳолининг ўзи ҳомийлик қилади. Мисол учун, пахта йиғим-терими бошланиши арафасида "Мандарин" кафесида уюшган аҳоли билан суҳбатлашиб, йиғим-теримни ёғин-сончинга қолдирмай те-ришга кўмаклашишимиз кераклигини келишиб олгандик. Қарангки, туман пахта режасига ўз хиссамизни қўшиб, юзимиз ёруғ бўлди.

Маҳалламизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хурниса Аҳмедова, котибимиз Марғубахон Абдурахмонова ва посбонимиз биргаликда икки ярим мингдан зиёд аҳолининг ҳар бирини қувончу ташвишларига шерик бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Айни дамда Бобур кўчасида икки қаватли замонавий уйлар қури-лиши бошлаб юборилган. Бу турар жойлар аҳолимизнинг яшаш ша-роитини тубдан ўзгартиришга замин яратди, деган умиддамиз. Ма-ҳаллани ота-онага қиёслашди. Нурунийларимиздан Шоира опа Шо-матова, Хурсанбой ота Дадабоевларни панд-насихатлари ёшлари-мизга ўрناق бўлмоқда.

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Адлия фаолияти

МАСЪУЛИЯТЛИ
МАРОСИМ

Азалий анъаналарга биноан фарзандлар улгайгач, уларни уй-лантириш ва узатиш ташвишлари бошланади. Бироқ бўлажак келин-куёвларнинг соғлиғи ҳақида қайғу-ришни баъзида унутиб қўямиз. Ас-лида эса, маънан ва жисмонан соғ-лом авлоднинг вояга етишида оила кураётган йигит-қизларимизнинг саломатлиги асосий омил санала-ди. Барчамизга маълумки, мамла-катимизда турмуш кураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан ўти-шининг қонуний асослари, жумла-дан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 августдаги "Никоҳлан-увчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомини тас-диқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинган. Оила мустаҳкамлиги, келин-куёвнинг бахтли, туғилажак зурриёдларнинг соғлом бўлишини ўйлаб, никоҳ олдинда келин-куёв-ни тиббий кўриқдан ўтказиш, бу ай-римлар ўйлаганидек, шунчаки гап эмас. Балки икки ёшнинг янги ҳаёт-даги мукамал бахтини белгилов-чи омилдир. Турли кўнгилсиз во-қеаларнинг олдини олиш, соғлом оила ва фарзандлар иқболини ўйлаб жорий этилган бу тадбирнинг келин-куёвга ҳам, уларнинг яқин-ларига ҳам факат фойдаси борки, асло зарари йўқ.

Никоҳланувчи шахсларни тиб-бий кўриқдан ўтиши мажбурий бўлиб, улар соғлиқни сақлаш ти-зимси муассасаларида бепул қайд этилади. Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар эса тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўткази-лади. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мустақил оила ФХДЭ органларида қайд этилгандан сўнг юридик мақомга эга бўлади, шаръ-ий никоҳ билан тузилган оила ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас. Ай-римлар тиббий текширувсиз, бир-бирларнинг соғлиғи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмастан шаръ-ий йўл билан оила қуришади. Улар ўзалари ва дунёга келажак фарзанд-ларининг соғлиғини хатарга қўйи-шаётганини англашмайди. Салбий оқибатларнинг олдини олиш учун диний идора ходимлари томонидан шаръий никоҳ ўқитилишидан аввал уларнинг никоҳ гувоҳномаларини талаб қилишлари мақсадга муво-фиқ. Бу ҳам мустаҳкам оилани яра-тиш ва келажақнинг баркамол эга-ларини тарбиялашга хизмат қила-ди. Оила остонасида турган ёшлар-ни тиббий кўриқдан ўтиш жараё-нида кузатилган айрим касаллик-лар уларда психологик тушқунлик туғдирмаслиги, аксинча, соғлиғини тиклаши учун муҳим босқич бўлиши керак.

Никоҳ — ҳар бир кишининг кел-лажагини белгилайдиган муҳим ва масъулиятли маросим. Унинг қонун-қоидаларига сўзсиз бўйсун-иш, ҳаётининг оғир ва енгил синво-ларини сабр-матонат билан енгитиш оилавий бахт қалити, ҳуқуқий сав-доқонлик ва тиббий маданиятнинг шаклланиши эса эркин яшаш ҳамда хотиржамлик гаровидир.

Нодира МИРМУҲАМЕДОВА,
Самарқанд вилоят адлия
бошқармаси нотариат,
ФХДЭ ва адвокатура бўлими
бош маслаҳатчиси.



АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига тайёргарлик жараёнида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари, жойлардаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Маълумки, оилалар мустаҳкамлигини, уларнинг маънавий соғломлигини асрашда, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилотлари, яраштириш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар эса ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол, юксак маънавиятли этиб тарбиялаш мақсадида режали иш олиб боришмоқда. Аёл – энг аввало, она, келажак авлоднинг тарбиячиси. У ҳар жиҳатдан билимли ва салоҳиятли бўлсагина, маънавиятли, маърифатли ва юксак билимли фарзандларни вояга етказа олади. Шу мақсадда хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турмуш тарзини энгиллаштириш, уларнинг оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилашдаги ўрнини ошириш борасида кўплаб ишларни амалга ошириб келямиз. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аёллар билан турли мавзулардаги суҳбатларимиз орқали уларни миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб қилиш билан бирга, соҳага оид қонунчилик билан батафсил таништириб бораёلمиз. Натижада оилавий

тадбиркорлик билан шуғулланаётган, хунармандчилик ишларини йўлга қўяётган аёлларимиз сони ортиб бормоқда. Маҳаллаларда янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса жамиятимиз ҳаётига ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор хотин-қизларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқимизда "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган гап бор. Кўнгил ободлигига эса маънавий муҳитни соғломлаштириш эвазига эришиш мумкин.

– Маҳалламизда хотин-қизлар фаоллигини оширишда вилоят ва туман хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз яхши самара бермоқда, – дейди Кўкон шахридаги "Қаймоқли гузар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, "Фидокорона

хизматлари учун" ордени соҳибаси Матлуба Содикова. – Маҳалламизда оилавий тадбиркорлик яхши йўлга қўйилган. Тикувчилик цехи очган Дилшодахон Усмонова хориз технологияси асосида дунёдаги энг яхши фирмалар билан рақобатлаша оладиган даражада эркаклар кўйлақларини тикиб, ички бозорга олиб чиқмоқда. Натижада 20 нафар хотин-қизларимиз иш билан таъминланди. Маҳалламиз аёлларининг сифати хорижидан кам бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқараётгани кўнгилмизда гурур уйғотмоқда. Фотимахон Алиева, Манзуржон Абдуллаев, Сирождин Мингбоев, Мухаммаджон Орипов каби маҳалладошларимизнинг

хонадонларидаги ибратли анъаналар, оила аъзоларининг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати ҳар жиҳатдан ўрнатқучи бўлишга арзигулик. Табиийки, бундай намунали тажрибалар ёшларни маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялашда жуда қўл келаетир.

Маҳаллаларда эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш, боқувчисини йўқот-



ган хонадонларни, ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, миллий ва маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлашда ҳам хотин-қизлар фаоллиги, жойлардаги кайвони онахонлар, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ўрни беқиёс бўлмоқда.

– Маҳаллада аёлларнинг бандлигини таъминлаш, эрта турмуш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, уй бекаларини касаначиликка жалб этиш орқали ҳудудда маънавий муҳит барқарорлигини

таъминлаш ҳар бир фуқаронинг вазифасидир, – дейди Данғара туманидаги "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси, "Шуҳрат" медалли соҳибаси Муҳаббат Раҳимова. – Мен кўп йилдан буён маҳалла ҳузурда жамоатчилик асосида фаолият юритиб келяман. Ўтган давр мобайнида комиссия аъзолари билан биргаликда маҳалламиздаги 80 нафар хотин-қизни ишга жойлаштиришда, 36 нафар ўсимир қизни тикувчилик, пазандачилик, зардўзлик каби миллий хунармандчилик турларига жалб қилишда йиғин ходимларига кўмаклашилди. Вояга етмаган қизлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи тамойиллари тарғиботида оид тушуштириш ишлари олиб бориляпти.

Бу тадбирлар ҳар бир маҳаллада амалга оширилмоқда. Энг муҳими, хотин-қизларимиз бугунги сайловолди ҳаракатларида жуда фаоллик кўрсатишмоқда. "Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" Қонуннинг янги таҳрири, энг аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган, Қонунга биноан, фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларга қўшимча талаблар белгилаб қўйилмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганидан далолатдир. Зеро, маҳаллалар бугун фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Озода ПАРПИБОВЕВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар
кўмитаси раисининг ўринбосари.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналарининг салоҳиятини янада кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ёрдам кўрсатиш борасида қатор қўлайликлар яратилмоқда. Ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи тадбиркорларни ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида 2013 йилнинг 8 августига Президентимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар ҳақида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан, республика ҳудудий минтакаларида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш" жамғармалари ташкил этилди.

Мазкур жамғарма томонидан талаб-эҳтиёжга бўлган жорий ва истиқболдаги конь-

юнктурани ўрганиш юзасидан ташқи бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилиш учун барча имкониятлар аниқланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда, харидорларни излашда, шартномаларни тайёрлаш ва тузишда, экспорт операцияларини амалга оширишда, экспорт қилувчиларни эҳтимолда тутилган хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа рухсатнома ва йиғимларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқ-

да. Шунингдек, мазкур жамғарма тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдоларидаги иштирокини кенгайтиришга, ярмаркалар, "давра столлари" ва бошқаларни ташкил этиб, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий харидорларнинг мулоқотларини уюштиришга кўмаклашади. Уларнинг халқаро тендер савдоларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатда ўтиш йиғимлари ҳамда бошқа тўловларни тўлаш, экспорт шартномаларини тузиш каби жараёнларда амалий ёрдам кўрсатади.

Жамғарманинг Сурхондарё вилоят ҳудудий филиали томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, юқорида қайд этилган қарор ижросини таъминлаш мақсадида манфаатдор ташкилот ва идоралар

билан ҳамкорликда мунтазам равишда тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

– Авваллари чет элнинг машҳур корхоналарида ишлаб чиқарилган тикувчилик маҳсулотларига ҳавасим келарди, – дейди Бойсун туманидаги "Умид" кичик корхонаси раҳбари Неъмат Абдуллаев. – Эндиликда ўша кийим-кечаклардан асло қолишмайдиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариб, ички бозорда сотаямиз. Президентимиз қарорига асосан, жойларда ташкил қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш" жамғармаси кўмагида корхонамиз маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишимиз учун янада кенгрок имкониятлар яратилмоқда. Корхонамизда ҳар йили ўртача 475.2 миллион сўмлик

ТАДБИРКОРЛИК: ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Қарор ва ижро

маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб келинмоқда. Бундай ютуқларимизда эса юртимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бизга жуда қўл келмоқда.

Дунё бозорида сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бораётган бир шароитда мамлакатимиз корхоналарида сифатли рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бора-бора унинг экспортини самарали ташкил этишга доир ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг жадал раванг топаётганлиги вилоятда янги иш ўринларини яратиш орқали бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят
давлат солиқ бошқармаси
ахборот хизмати
бошлиғи.

Ўзбек кўшиқчилик санъатига шиддат билан кириб келган Гулсанам Мамазоитова куйлаётган кўшиқларнинг аксариятида Ватанга, юртга муҳаббат тараннум этилган. У юрагидаги кайнок ҳарорати оҳангларга сингдиради, шунинг учун бу кўшиқлар тингловчи кўнглига-да жаннатмонанд замин меҳрини олиб киради, қалбда титроқ уйғотади, вужуд бўйлаб ажиб ҳис югуради, кўшиқ завқидан руҳда туйгулар мавжланади. Кўшиқни тинглаётганда нигоҳингиз бир нуктада туриши мумкин, аммо ўша лаҳзаларда Ватан гўзаллигини бор бўйи билан кўраётгандек бўласиз.

Мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида юксак иқтидор соҳиба-си Гулсанам Мамазоитовага Президентимиз Фармонида биоан "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" унвони берилди.

Гулсанам МАМАЗОИТОВА:

КЎНГИЛДАН ЙИРОҚ КЕТИБ БЎЛМАЙДИ

– Гулсанам, устозларингизни тез-тез йўқлаб турасизми?

– Устоз нафақат сизнинг кўнглигизга қалам тутқазиб, ҳарф ўргатган муаллим, сизга билим берган ўқитувчи ёки мураббий, балки, ҳаётда ўз ўрнинингизни топишингизга биргина маслаҳат билан бўлса ҳам, йўл-йўриқ кўрсатган инсон. Бу ҳақда сўз кетганда, Навойнинг бир ҳарф ўргатган инсоннинг ҳақини минг ганж билан ҳам адо этиб бўлмайди, деган ҳикматли гап ёдга тушади.

Мен ҳаётда жуда кўп яхши инсонлардан таълим олдим. Фарғона шаҳридаги 1-мактаб, санъат коллежи, Ўзбекистон давлат консерваториясидаги ўқитувчиларимнинг ҳаммасидан қарздорман. Таваккал Қодировдек машҳур ҳофиздан санъат сирларини ўргандим. Маҳмуд Тожиевдан сабоқ олдим. Ҳаётда, санъат оламида озми-кўпми, билмайман, қай даражада муваффақиятга эришган бўлсам, устозларимнинг маслаҳатлари, берган билимлари эвазига деб ҳисоблайман.

– Ижодингизга асосан замонавий эстрада кўшиқлари зеб бериб туради. Бироқ Гулсанам Мамазоитова кўнглидаги тафти мумтоз ашулаларда, айниқса, Машрабининг "Қайдасан?" газали ижросида янада теранроқ ҳис қилиш мумкин. Ундаги оҳанрабо тингловчи кўнглига оқиб кириб, уни ўзига мафтун этади...

– Болалигимда уйимизда кўпроқ мумтоз кўшиқлар янгарди. Онам санъатни яхши тушунарди. У киши йигирма йил маданият уйида раҳбар бўлиб ишлаган. Биз тинглаётган, куйлаётган куй-кўшиқларнинг барчасини у киши қаттиқ назорат қиларди. Отабек акам иккимизга енгил-елпи кўшиқларни эшитишимизга мутлақо рухсат бермасдилар. Ёшлигимдан Таваккал Қодиров, Замира Суюнова ижро этган ашула ва кўшиқларни тинглаб улғайдим, тадбирларда уларга эргашдим, ҳавас қилиб улар куйлаган намуналардан айримларини айтдим. Эҳтимол, мумтоз кўшиқларни куйлаётганимда болалигим-

дан қалбимга синган ўша оҳанглар таъсиридан чиқиб кетолмасман...

– "Ўзбекистон", "Она тупроқ", "Ойдан тушган эмас", "Муқаддас Ватанда азиздир инсон" сингари кўп лаб кўшиқларингиз мухлисларнинг кўнглига айланган. Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо шеъри билан айтилган "Ўзбекистон"

кўшиғини маромига етказиб ижро этдингиз. Яхши шеърни бошқа санъаткорлар ҳам кўшиқ қилиб куйлагиси келади. Сиз айтган ижод маҳсулини бошқа бир хонанда ўзгача йўсинда куйласа, унга қандай муносабатда бўлардингиз?

– Ҳар бир инсоннинг, жумладан, санъаткорнинг ҳам ўзига хос ички олами бўлади. Ҳар кимнинг ўз услуби, маҳорати, диди бор. Қолаверса, шеър шоирнинг қалб мулки, у менинг шахсий мулкимас. Ўша шеър яна кимнидир таъсирлантирар, завқ берар. Бунга табиий қарайман ва кўнглимда ҳеч қандай ғараз, гина сақламайман.

– Гулсанам, энди бир неча дақиқага ўзингизни оддий тингловчи сифатида тасаввур қилишингизни сўрадим. Бугунги ўзбек эстрадаси ҳақида фикрингиз қандай? Санъатга кириб келаётган ёшлар ижодига қандай баҳо берасиз?

– Жуда оғрикли савол бердингиз-да. Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлайман. Мухтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобини ўқиган бўлсангиз, унда эстрада санъати, хусусан, миллий эстрадамиз кифёси қандай бўлиши кераклиги ҳақида ибратли фикрлар бор. Бўлар-бўлмас,

кўяди. Чин санъат мухлислари ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Шулар борлиги учун ҳам биз, санъаткорлар яхши кўшиқлар куйлашга ҳаракат қиламиз. Муҳлисни енгил-елпи, саёз кўшиққа ўргатаман, деганлар хато қилади. Халқ ким қандай кўшиқ куйлаётганини жуда яхши билиб туради. Уни алдаб бўлмайди.

– Кўшиқларингиз кўнгли кечинмаларингиз ифодасими?

– Ҳаммаси ҳақида ҳам шундай деб бўлмайди. Тўғри, хонанда кўнглига яқин мавзунни танлайди, шунга мос сўз қидиради. Ҳеч ким ижодда кўнглидан узоқ кетолмайди. Жумладан, мен ҳам юрагим "жиз" этмаган сўзни кўшиқ қилиб куйлагим келмайди. Аммо кўшиқ яратилаётганда биринчи ўринда тингловчини ўйлайман. Унинг кўнглига яқин сўзни айта олаётганимни, одамлар дилидагини топиб куйлаётганимни, деган савол мени безовта қилаверади. Санъатни теран тушунадиган мухлислар нимани эшитишни хоҳлаётганини инобатга оламан.

– Байрам тадбирларидаги чиқишларингизни санъат шинавандалари ҳамиша интиқлик, илҳақлик билан кутади.

– Одамлар кўшиқларимни соғиниб кутишаётгани бу оҳанглар уларнинг қалбидан жой олганини катта эътибор деб биламан. Бу нарса ҳаётимга мазмун киритади.

– Янги концерт дастурингизда кўшиқларни юз фоиз жонли ижро этаркансиз, деб эшитдик.

– Бироз муддат уйда ўтирган бўлсам-да, ижоддан тўхтаб қолганим йўқ. Санъаткорман, янгилик қилиши яхши кўраман. Халқона йўналишда, ўзгача услубдаги янги кўшиқлар яратдик. Концертимизни насиб этса, 2014 йилнинг январь ойига мўлжаллаётганимиз табиийки, бу жиддий жараёнга қизгин тайёргарлик кўраётимиз. Катта масъулият талаб этадиган ишни бошлаб кўйдик, барчаси кўнглидагидек ўтиши керак, деган ширин безовталикини ҳис қиламан. Янги дастурни тайёрлашда мусиқий раҳбаримиз, бастакор Санжар Раҳматўжаев, шунингдек, Иқбол Муҳаммадҷонов, Илҳом Мамаатов, Дилшод Аҳмадшоҳлар ҳам масъул. Бу иштиёқим, қарорим мухлисларим, уларга бўлган меҳрим туфайли. Эҳтимол, бу сафарги концертим жонли, ундан кейингиси фонограмма ёрдамида бўлар. Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Бу вақт, имконият ва хоҳишга боғлиқ.

"Бу йил жонли ижро қилдим, энди буни анъанага айлантираман", демоқчи эмасман. Концертда кўшиқлар жонли ижро этилса-ю, томошабин ундан завқ ололмаса, бунинг ҳеч кимга қизиғи йўқ. Тингловчининг концертдан завқ олиб кетиши мен учун муҳим.

Майсара НАЗАРОВА
суҳбатлашди.



УЧАМАН – бу сўзни чорвадорларимиз тез-тез ишлатиб турадилар. "Учаман" сўзига эртақлар ва ривоятларда ҳам дуч келамиз. Одатда, кўй ёки сигир иккита туғса, "эгиз" деймиз. Лекин баъзи кўй ё эчкилар учтадан ҳам туғади. Бир совлиқдан ёки эчкидан учта туғилган кўзи ё улоқлар "учаман" сўзи билан ифодланади.

Бу кўзи – учаман кўзининг бири.

ЧОЛ – тилимизда "чол" сўзи "қария", "кекса", "мўйсафид" маъноларини англатади. Манбаларда изоҳланишича, қадимги тилимизда "чал" деган сўз бўлиб, бу сўз "оқ-қулранг" деган мазмунни ифодаловчи сифат бўлган. Кейинчалик бу сўз "соchi оқ" маъносини ифодалай бошлаган. Сўнгра бу сифат отга кўчиб, "қария" маъносига келган.

Бояги ёғоч ва бордонлар орасидан олтимиш ёшлардаги бир чол арава миниб чиқди.

Абдулла Қаҳҳор

СИНЧИ ВА СИНЧКОВ

– ҳамма нарсага эътибор берадиган, ҳеч нарсани, ҳатто майда нарсаларни назардан четда қолдирмайдиган одамларга нисбатан тилимизда "синчков" сўзи қўлланади. Бу сўзнинг туб илдиризи "синчи" сўзига бориб тақалиши мумкин. Маълумки, "синчи" сўзи отларнинг зотини, феъл-атворини яхши биладиган кишига нисбатан ишлатилган. Хуллас, "синчи", "синчиклаш", "синчков", "синаш" сўзлари бор илдиридан ўсиб чиққан.

Синчилар ниҳоятда синчков бўладилар.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Жамила Саидова, таржимон:

— Фарзандларимнинг каттаси 10 ёш, кичиги 6 ёшда. Касб тақозоси билан турмуш ўртоғим иккимиз кўпинча сафарларда бўламиз. Шу сабаб болалар тарбияси билан энага шуғулланади. Ҳали уларнинг хулқида салбий жиҳатни сезганим йўқ. Аммо негадир бироз инжиқ ва йиғлоқи бўлиб қолишган. Тез-тез касал бўлишди. Авваллари бизнинг сафардан келишимизни катта ўғлим байрамдек кутиб оларди. Ҳозир эса кўчада ўйнаб юрган бўлса, «Ойнинг, даданг келишди», деб чақиринса ҳам худди биров мажбурлагандек бамайлихотир кириб келади. Назаримда, болаларим бемехр бўлиб ўсаётгандек... Лекин на илож, барибир энага ёрдамига муҳтожмиз-да...

Даврон Йўлдошев, юрист:

— Аёлим олий маълумотли хуқуқшунос. Лекин унга болалар катта бўлиб, ўзини эгпал олмагунча ҳеч қаерда ишламайсан, деб тушунтирганман. Учала фарзандимизга ҳам ўзи рисоладагидек қаради. Мен болани энагалар кўлига топширишга қаршиман! Ўзингиз ўйлаб кўринг, инсон ўзидан маънавиятли издошлар қолиши ва ундан меҳр кўриш учун фарзандли бўлмайдами? Миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз борасида ўзимиз намуна кўрсатмасак, келажақда улардан нимани кутиш мумкин?! Ота-онасидан меҳр кўрмаган бола етук инсон бўла олмайди. Фарзанднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши нафақат оила, балки жамият равнақи учун ҳам муҳим деб ўйлайман.

Н. санъаткор:

(Исми-шарифини тўлиқ баён этишимизни хошламади)


— Биласиз, касбимиз шу, бу ёғи тирикчилик, эрим ҳам ёнимда, кечаси эл хизмати, кундузи ижод, овоз ёзиш студияларидан ортмаймиз. Бундай пайтда болаларга кимдир қараб туриши керак-ку? Айниқса, боғча вақти тугагач, уларга ким қарайди? Мен бегона энагага ишонмадим ва холаминг қизини ёрдамга чақирдим. Уйга қайтганимда у болаларимнинг кийимларини ювиб, дарсларини қилдириб, овқатлантириб, ухлатиб ҳам кўяди. Уларга мендан ҳам яхшироқ қарайди. Шу сабаб кўнглим тинч. Менимча, энага улғайтирган болада ота-онага нисбатан ҳурмат ҳам кучлироқ бўлади. Чунки, оналар фарзандига меҳр беришда чегара билмайдилар. Агар улар билан камроқ бирга бўлишса, ҳаддан ташқари эркаланиб, талташиб кетишмайди, деб ўйлайман.

— Фарзандлар камолида оналар ва энагаларнинг алоҳида-алоҳида ўрни бор, — **дейди психология фанлари номзоди Лутфилла Турсунов.** — Заруратга қараб, энага кўмагидан фойдаланилганда, энг му-

БОЛАНГИЗГА ЭНАГА КЕРАКМИ?

Меҳнат тавтили тугаб, иш бошламоқчи бўлган Насиба бир ярим яшар боласига қараб туриш учун энага излай бошлади. Кўшни қиз Ҳилолага мурожаат қилганди, бу борада тажрибаси бўлмаса-да, у жон деб рози бўлди. "Болага қарашдан осон иш борми? Уни овқатлантириб, ювинтирсам, ухлатсам бўлди-да", деб ўйларди у. Шу тариқа Насиба боласини ҳамсоясига ишониб, ишга кетди. Қайда, тажрибасиз энагага кичкинтой ҳеч кўниқолмади. У тинимсиз онасини сўраб йиғларди. Боланинг ишчиликлари жонига текканида бир пайтлар онаси укаларига қўллаган усул Ҳилоланинг эсига тушди. У ҳам болага уйқудори бериб ухлатишни одат қилди: Албатта, бунга болакайнинг онасига билдирмади. Ана шундагина кулоғи тинчиди. Энди бола ортиқча хархаша қилмас, ҳатто вақтида овқатланмас, ўйнамас, кун бўйи ухларди. Натижада унинг иммунитетини тушиб кетиб, касалланб бўлиб қолди. Фарзанди худда-бехуддага бетобланавергач, Насиба ишдан қолишга мажбур бўлар, асаблари ҳам тобора таранглашарди. Уйдан ҳаловат йўқолди. Охири ишдан бўшаб ўғлига ўзи қарай бошлади...

Бугун деярли барча соҳада фаол ва омадли оналарни кўраемиз. Улар ўзлари фаолият олиб бораётган соҳаларда катта ютуқларга эришишни мақсад қилишган. Шунинг учун ҳам энагалар хизматида муҳтож эканлигини айтишади. Тўғри, авваллари ўзбек хонадонларида энагага деярли эҳтиёж сезилмаган. Чунки, ота-она ишдан ортмаса ҳам болаларга уйда буювжон ва бобожон, нари борса, меҳрибон кўни-кўшилари қараб туришарди. Ўз навбатида улар тарбиялаган фарзандлар миллий руҳда, одобли-ахлоқли, соғлом ва баркамол бўлиб ўсшарди. Ҳозир ҳам кўп хонадонларда бу анъана сақланиб қолган бўлса-да, аммо ҳамма буюв-боболарнинг ҳам невараларига қараб туришга имкониятлари йўқ. Шундай бўлгач, ўз-ўзидан энагаларга талаб кейинги йилларда кучая бошлади. Болаларнинг тарбияси, саломатлигига масъул этиб қўйилаётган оналар ана шу мураккаб ва масъулиятли вазифани қай даражада ўқолаётгани? Умуман, энагалар бола психологиясида қандай роль ўйнайди?



ҳими, оналар ҳам бутун меҳр-муҳаббатини жигаргўшасидан дариг тутмаслиги лозим. Кўпгина ҳолатларда, энаганинг болага ширин муомаласи, ювиб тараши, озиқлантириши яхши, аммо, кун бўйи у билан бирга бўлиши аста-секинлик билан ўз туққан оңасига бўлган муносабатга салбий

таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, энагаларни тез-тез алмаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Уларнинг ҳар бири болани ўзи билганча тарбиялайди. Натижада бола психологиясида чалқашши, зеркиши, дангасалик, энг даҳшатлиси, лоқайдлик юзага келиши мумкин. Ўсмирнинг ақлий дав-

Бугуннинг гапи

ри ривожлана бошлагандан кейин эса у барча ўринли ва ўринсиз саволларга энагадан жавоб ола бошлайди. Бу жараён ҳам онага нисбатан совуқ-қонликни кучайтиради. Сабаби, бола дунёни энага орқали таний бошлайди. Онадан бегоналашган болада: "Мен онамсиз ҳам бошқаларнинг фикрига суяна олишим, яқинларимга эмас, бегоналарга ҳам эргашиб кетишим мумкин экан", деган жўн тушунча пайдо бўлади. Бу фикр боланинг келажақда ҳар хил носоғлом, ёт оқимларга оғиб кетишига замин яратиши эҳтимолдан йироқ эмас. У улғайиб эсини таниб олгач, энага барибир она бўла олмаслигини англаб етади. Шундан келиб чиққан ҳолда одамларга нисбатан ишончи йўқолибгина қолмай, оила, ота-она деган тушунчалардан узоқлаша бошлайди.

Юқоридаги муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш учун энага ёрдамига таянаётган оналарга мутахассислар шундай маслаҳатларни тавсия этишмоқда:

* Энага боланинг олдида албатта, махсус формада бўлиши шарт! Бола уни шу кийим орқали ҳам онасидан фарқлай олсин.

* Болани энагага топширганда оналар узоғи вақтнинг 7-8 соат давомийликдаги вақт режимида амал қилишлари лозим.

* Болангизни олдида энагасини жеркиманг, ҳатто танбх ҳам берманг. Чунки, бу ҳолат тарбиячининг обрўсини туширади. Бола ҳам унга менсимай муомала қила бошлайди. Бу — унинг тарбияси бузилаётганидан дарак беради.

* Дам олиш кунларини фарзандингизга бағишланг ва у билан бирга ўйланг, эртақлар айтиб беринг. Оналик меҳрингизни кўрсатинг.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, эртамиз эгалари бўлмиш болаларимиз тарбияси, уларга бўлган эътибор ҳамиша ҳар қандай катта-кичик нарсалардан устун бўлмоғи лозим. Бизнинг менталитетимизда хусусий энагалар жуда янги касб ҳисобланади. Замонавий оналар уларнинг маҳорати етарли даражада шаклланмаганини унутмасинлар. Болани кимгадир қолдириш ёки улар хизматидан фойдаланишдан аввал фарзандимиз ёнида бўлувчи, том маънода, бизнинг ўрнимизни босиб туриши керак бўлган инсон маълум бир педагогик, психологик уқувга, тиббий ва гигиеник тушунчага эгами, маълумоти ва соғлиғи болага қарашга тўғри келадими, йўқми, деган саволларга жиддий жавоб олиш керак.

Гулноза БОБОЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шима, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Ҳаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва депелляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вшивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, ярн мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

БИР ҲОВУЧ ДУР

• Билимли киши ўз ишини билб қилади.
• Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир.
• Бу дунё бир кўниб, яна кетадиган рабобдир.
• Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб, ўзининг ёмон қилмақлардан сақлаб яша.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

ЭЪЛОН!

Осанкин Николай Иванович номига берилган шаҳар транспортдан бепул фойдаланиш имтиёзини бевучи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ХАТО

У ишхонага келганда ўттиз ёшларда эди. У ҳақидаги айрим миш-мишлар бу ерга ҳам етиб келгани боис кўпчилик хушламайгина қабул қилди.

Аста-секин аввали гаплар бироз унутилди. Мансаб ва орзу пиллапоёлари билан илгарилар бошлаган бу ходимга кўпчилик ҳавас билан қарай бошлади ҳам. Шундай кўтарилишларнинг бирида уни кимдир чалиб юборди. Ёмон йиқилиб, бурни қонаганига ачинган ҳамкасбларидан бири ҳамдардлик билан сўради:

— У ким эди? Нега сени чалиб юборди?

— У менинг ёшликдаги хатоим эди. Ортимдан қолмай, қасрда бўлса ҳам панд бермоқда. Унга йўлиққан кунимга, чап беролмай қолганимдан умрбод пушаймонданман, — афсус билан “уф” торғди у.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Душанба куни эди. Бир ташкилотда муҳим ишим борлиги сабаб вақли йўлга чиқдим. Икки кундан бўён эзиб ёғатган ёмғир сувлари йўлларда ҳалқоб-ҳалқоб бўлиб тўпланиб қолган, йўловчилар сув сачратиб ўтаётган машиналардан ўзларини эҳтиёт қилиб аста юришга ҳаракат қилишди. Манзилга етай деганимда эгнимга сачраган лой аралаш ёмғир сувидан таъбим тирриқ бўлди. Бу ҳам етмагандек, хўмрайиб олган осмон ҳам кайфиятимни бузди. Аксига олиб, кутган одамим ҳам жуда кеч келди. Эрталабки дилхиралик ёнига икки соатдан ортиқроқ кутиш газабимни қайнатиб юборди.

— Ишга ўз вақтида келиш кераклигини сизларга ўргатишмаганми? — ачиқ билан “узиб” олдим.

— Кечиринг, она, кичкинанинг иситмаси чиқиб,

кечкурун шифохонага ётган эдик. Бугун душанба бўлгани учун ишхонадан руҳсат сўрайман дегандим. Ишнингизни бир зумда битириб бераман, узр.

Аммо аёлнинг қайта-қайта узр сўрашлари ҳам, бирор оғиз гап қайтармай ҳожатимни битириб бергани ҳам жаҳлимдан туширмади. Анчагина таъбини хира қилдим. Керакли ҳужжатни қўлимга тутқазар экан, яна узр сўради. Лекин хафа бўлгани кўриниб турарди. Раҳмат ҳам айтмай, қўлидан қозонни юлқиб олдим-у, чиқиб кетдим.

Шошилиб кетарканман, йўлимни бир ит тўсди-ю, менга қараб хура бошлади. Унинг кўзларига қараб қотиб қолдим. Тавба, бу кўзлар шу қадар газабга тўла эдики, “Нима айбим бор?” деган савол бошимда айлана бошлади. Шу тақдир турарканман, беихтиёр эрталабки ҳолат ёдимга тушди. Туни билан бемор боласининг бошида

ўтириб, яна ўз хизмат вазифасини ҳам унутмаган ҳолда ишхонага келган аёлга қарата айтган ачиқ-тизик ташларим ҳам худди шу кучукнинг бесабаб хуришидек туюлди ўзимга. Қайтар дунёнинг ярим соатга ҳам қолмай қайтганини қаранг!

Карима АШУРОВА

ЎЗИНИ
БИЛМАГАН ...

У эрини назарига илмади, писанд қилмади, борар жойига борди, турар жойига турди. Келин бўлиб на қайнона хизматини қилди, на қайнона дуосини олди. Ундан норизо бўлиб, бу ошладан ташқарига гап чиқди...

Буни қарангки, ёмон келиндан ёмон қайнона пайдо бўлди: у энди келинига зумун қилган, ерга урган, талабини қўйган.

“Ўзинг келин бўлиб нима каромат кўрсатгандинг?” де-

Буни ҳаёт дейдилар

гувчи йўқ. Аслида, ўзини билмаган одам ўзгани билармиди?

ВАҚТ

У Вақт билан бирга югуриб кетди: ўсди, улғайди, ёшликнинг гаштини сурди. Аммо... Кексаллик томон одимлаётганда чидаб туролмади, Вақтга қарши исён кўтарди: сочини ранглади, упа-элик қилди, ажинлар чизик торпан юзини тараңлаштирди. Хуллас, ёшликни сақлаб қолишни нимаики йўли бўлса қилиб кўрди. Сочлари қоп-қора, юзлари тараң бўлди-ю, қиёфасидаги самимият йўқолди, ўзига ўхшамай қолди.

Энг ёмони... Нимаики қилмасин, кўзларининг тубтубидан ўтаётган Вақт жилмайиб тураверди.

Лола ЎРОҚОВА

БУГУННИМАС,
ЭРТАНИ ЎЙЛАНГ

...Комилахон кутилмаганда қизини укасига келин қилиб бериш тараддудига тушди. Уни бу йўлдан қайтаришга уринган Равшанбекнинг гапига қўлоқ ҳам тутмади. Хотини ўзи шунақа, айтганини қиладиганлардан. Эмишки, укаси топган мол-дунё бегоналар қўлида қолиб кетса, ота-онаси қабрида тик турармиш. Кизи эса ҳали қоллеж ўқувчиси. На оқни, на қорани танийди. Дўппидеккина кишлоқдан нарига чиқмаган. Болалигидан нимжон ўсгани учун тез-тез орғиб туради. Уни шу ахволда турмушга узатишса, бир дарди мингга айланмасмикан? Бошини чангаллаб ўтирган ота ўқишдан қайтган Зийедага термилганча шулар ҳақида ўйларди.

Орзу-ҳавас билан бошланган тўй дабдбаси кўпчиликнинг оғзидан тушмай қолди. Хатто баъзилар: “Кўйингдан тўкилса, кўнжинга тушсин эканда”, деб хавас қилишди. Бирок... Олий маълумотли ўқитувчи бўлиш арафасида турган куёв ҳам бу никоҳга аслида рози эмасди. У харчанд қаршилик қилмасин, ота-онаси ва аммаси уни оғиз очишга қўйишмади. Эл олдидан ўтиш учун зўрма-зўраки тўй қилишди. Аввалбошда “Синглимдек бўлиб қолган қизга уйланмайман”, деб оёқ тираган куёвнинг никоҳ базмида бамайлихотир ўтирганини кўрган кудаларнинг кўнгли тинчиди.

Аммо улар йиллар ўтса-да, фарзандли бўлишмади. Ота-оналари юрак ютиб, “Шифоқор боринглр”

дейишса, куёв ҳам, келин ҳам бир сўзни такрорлашарди: “Ўзингиз пиширган ош”.

Айниқса, Комилахон қийналиб кетди. Охири “Хар куни минг азоблангандан кўра, бир марта қуяй”, дея қизи билан очиқчасига гаплашиб олмақчи бўлиб, унинг ётоқхонасига кирди. Не кўз билан кўрсинки, келин-куёвнинг ўринлари бошқа эди. Нима гаплигини дарров тушуниб турган аёл турган жойида қотиб қолди. Шу ерда уввос солгиси келди-ю, ўзини босди. Қизини никоҳдан ажратиб, уйига олиб келди.

Кўп ўтмай, хотини қаю қилган бир йигитдан кизига совчи келди. Юраги зардобга тўлиб юрган аёл уни яна қайта турмушга узатди. Акасининг ўғли ҳам бошқа турмуш кўрди. Бугун икки ёш ҳам бахтли ҳаёт кечирмоқда. Шириндан шакар фарзандлари бор...

Бир қараганда, бу айримлар учун оддий воқеадек туюлиши мумкин. Аммо ўқимишли, тиббий маданияти юксак ёшларимизнинг ана шундай саъй-ҳаракатлари туфайли Комилахон каби узокни кўролмайдиган, шошқалоқ аёлларимизнинг кўзлари очилмоқда. Бугуннинг ёшлари ўз ҳаётига, келгусидаги фарзандлари тақдирига бепарқ эмаслиги эса кишини жуда қувонтиради.

Машхура АЛИМОВА,
Пискент тумани ФХДЁ бўлими
1-тоифали инспектори.

маргарин, соя сути, қовурилган овқатлар, сунъий шириликлар ва қисқа вақт ичида (микротўлқинли печда) тайёрланган таомлар кирар экан.

ТАТУАЖ БЎЁФИ
САРАТОННИ ЧАҚИРАДИ

Ҳозирда аёллар (хатто эркаклар ҳам) орасида татуаж кенг авж олиб бормоқда. Гўзаллик салонларига кирсангиз, кимдир қошига, кимдир кўзининг четларига татуаж қилдираётганига гувоҳ бўласиз. Сўнгги маълумотларга қараганда, татуаж учун ишлатиладиган бўёқлар таркибида саратон хасталигини чақирувчи модда борлиги аниқлади. Британия олимларининг фикрига кўра, бундай бўёқлар ташкил топган наноэзарлар кишининг ички аъзоларига таъсир қилиб, жиддий касалликлар, жумладан, саратонга сабаб бўлар экан.

Бахт бекати
ТУРМУШ ҚУРИШ
МУМКИН, ЛЕКИН...

Сўнгги пайтларда кизларни эрта турмушга беришнинг аянчли оқибатлари, хатто маъмурий ва жиноий жавобгарлик хусусида жиддий фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Шу ҳақда тушунча берсангиз.

Хонзода Ҳамидова,
Иштихон тумани.

2013 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, қизларни эрта турмушга бериш, йигитларни барвақт уйлантирганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 47³-модда киритилди. Шунга биноан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берса ёхуд уйлантирса, энг кам иш

ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширган шахсга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима белгилади.

Жиноят кодексига киритилган 125¹-моддага асосан эса никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига

етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазоси қўлланиши белгилаб қўйилди.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазосига тортилади.

Умуман олганда, гап бу борада маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилангани ёки жазонинг оғир ёхуд енгиллигида эмас, балки ўша ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг тузатиб бўлмас даражадаги аянчли оқибатларга олиб келишини тегаран англаб етишда.

Саволга Иштихон тумани ФХДЁ бўлими мудири Шахло КЎЧҚОРОВА жавоб берди.

ҚАРИШНИ
ТЕЗЛАШТИРУВЧИ
МАҲСУЛОТЛАР

Олимлар инсонда қариш жараёнини тезлаштирувчи маҳсулотлар рўйхатини тақдим этишди. Улар кислоталар турига мансуб бўлиб, бундай маҳсулотлар тайёрланиш жараёнида токсик кислоталардан фойдаланилади. Токсик кислоталар киши организмидан ланжлик ва касаллик чақиради. Қаришни тезлаштирувчи асосий маҳсулотларга — шакар, кофеин, шоколад, оқ ун, гўшт,



мотларга қараганда, татуаж учун ишлатиладиган бўёқлар таркибида саратон хасталигини чақирувчи модда борлиги аниқлади. Британия олимларининг фикрига кўра, бундай бўёқлар ташкил топган наноэзарлар кишининг ички аъзоларига таъсир қилиб, жиддий касалликлар, жумладан, саратонга сабаб бўлар экан.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ:
ВИРУСЛАР ХАВФЛИ
ЭМАС!

Кимда-ким доимий равишда жамоат транспортлари — автобус, троллейбус, трамвайдан фойдаланса, унда вирусларга қарши иммунитет шакл-

Бу қизиқ



ланиб, у юкмули касалликларни бемалол енгиши мумкин. Бироқ вақти-вақти билан метрода юрадиганлар уйга келганда сўнг қўл ва бурунларини яхшилаб ювишлари тавсия этилади. Чунки фақат очик ҳаводаги транспортда вирусларга қарши иммунитет шаклланиши мумкин.

“АиФ” маълумотлари асосида ЗАРИНА тайёрлади.



КУЛГИ ФЕСТИВАЛИ

Масхарабоз. Бу сўзни эшитган ондаёқ юзимизга табассум югуради. Юзларини турли рангларга бўяб, қуроқ кийимлар кийиб олган қувноқ қахрамон ҳаммани кулдиришга уринади. Биз одатда уларни цирк ёки дорбоз томошаларида кўрамыз. Ҳар бир халқда ўз масхарабозлари бор ва бундай санъаткорлар имкон қадар ўзларининг миллий киефадаги масхарабозларини акс эттиришга уринашади.



Ўтган ҳафта тўрт кун давомида Мексика пойтахти кўчаларида дунёдаги энг йирик масхарабозлар съезди – "Кулги фестивали" бўлиб ўтди. Бу тадбирга Перу, Никарагуа, Гватемала, Сальвадор, Коста-Рика, Пуэрто-Рико, АКШ ва Мексикадан юзлаб масхарабозлар иштирок этишди. Ўн саккизинчи бор ўтказилаётган бу қувноқ фестивалда ҳар бир иштирокчи оригиналлик касб этган ажойиб либослари, юз гримлари, ҳаракатлари, фокуслари, янги асарлари билан шаҳар аҳолисини хушнуд этди.

– Буларнинг бари, гўё бир мўъжиза, – дейди америкалик масхарабоз Роберт Оран. – Бу ерда бўлиб ўтаётган танловлар, мастер-класслар жуда қизиқарли, аммо мен учун энг муҳими – бошқа масхарабозлар билан дўстлашиш ва диллашиш. Қаранг, бу давра нақадар қувноқ, самимий. Одамлар кундалик таъшишларини нутишиб, мириқиб кулмоқдалар.



Ҳа, одамларга кулгу улашмоқ ва бундан завқ ола билиш олижаноб инсонларга хос хусусият. Айниқса, болажонлар қувночи йўлида ташкил этиладиган кўнгилли тадбирлар элларни бирлаштиради. Шу боис ҳам Мехико шаҳри тўрт кун давомида дунёнинг кулгу марказига айланди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ЎЗИ ЁЛГИЗ ҚОЛДИ...

Бир кам дунё, деб бежиз айтишмас экан. Оилада уч ўғил, уч қизимиз. Икки яшарлигимда ота-онам кетма-кет бу дунёни тарк этишган экан. Биз тоғамнинг қўлида катта бўлганмиз. Тоғам ўзининг тўрт фарзанди билан бирга бизни ҳам камчиликсиз, ўқситмай вояга етказдилар. Шундай бўлса ҳам, тўнғичимиз Карима опам анча кийинчилик кўрди. Акаларимга, опаларимга ва менга оналик қилиш унинг зиммасида эди. Бизнинг бахтли бўлишимизни ўйлаб, ўзларига келган совчиларга рад жавобини берарди. Опам истаганидек, ҳаммамиз оилани бўлиб кетдик. Аммо Карима опам хануз ёлғиз яшайпти. Ота-онамиз вафот этишганида, опам 12 яшар бўлган экан. Бизни оёққа тургазгунча қанча ташвиш чекканларини ўйласам, даҳшатга тушиб кетаман. Унинг ҳам биз каби бир оиланинг бахтли бекаси бўлишини жуда истаймиз. Опамнинг ёши 43 да. Оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайди. Оққўнғил, опамнинг қадрига етадиган, меҳрибон инсон учраса, эзгу дуолар билан тўй қилардик.

МОҲИРА,
Андижон вилояти.

ИНТЕРНЕТ МАЛИКАСИ ЭКАН

Ҳамкасбим Манзураҳон билан кўп йиллардан бери бирга ишлаймиз. Ҳатто опа-сингиллардек бўлиб кетганмиз. Ишда ҳам, оилавий таъшишларда ҳам бир-биримизга далда берардик. Унинг тўнғич фарзанди қиз, меники эса ўғил бўлгани учун қуда бўлишимизни таклиф қилдим. Дугонам бундан хурсанд бўлди. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, совчиликка бордик. Фарзандларимиз ҳали талаба бўлганликлари учун ҳозирча уларни унаштириб қўйиб, бир йилдан кейин тўй қилишга келишиб олдик. Дугонам иккимиз бўлажак тўй таррадуида бозорларга бориб, сарполарнинг энг сараларини танладик. Фарзандларимиз кунда-кунора учрашиб, бир-бирлари билан янада яқинроқ муносабатда бўла бошлашди. Уларни кўриб, кўзимиз қувнардик.

Аммо тўйга икки ойча вақт қолганда кечки пайт ўғлим жаҳл билан уйга кириб келиб: "Мен бу қизга уйланмайман, тўйни тўхтатинглар", деб қолди. Бу гапни эшитиб, азбаройи танамга титроқ югурди. "Болам, нималар деяпсан, қайдан топдинг бундай аҳмоқона гапни? Ахир Мухлисидек қизни келин қилмоқни кимлар орзу қилмайдими?" десам, у: "Онажон, шу вақтгача бу қиз ҳақида суриштириш хаёлимга ҳам келмабди. Бугун бир ошнам интернет-да

қизларимиз ижтимоий тармоқларга бунчалар ўч ёки ўзларини реклама қилишга иштиёқманд? Мен бу сўзларни бекорга айтаётганим йўқ. Мана шу ўтган вақт мобайнида мен яна уч-тўртта қизларга совчи бўлиб бордим. Мен танлаган қизларни ўғлим интернетдан излаб қўради ва, албатта, у ерда учратади. Ҳозир Бахтиёр 31 ёшга кирди. Уни қачон уйлантирар эканмиз, деб баъзан ваҳимага тушиб қоламан. 28 ёшгача бўлган тошкентлик, зиёли оиланинг қизлари бўлса, келин қилардик.

ОҚИЛА опа,
Тошкент шаҳри.

ИШБИЛАРМОН КУЁВ КЕРАК

Қиз боланинг пешонаси ёруғ бўлсин экан. Уни бировнинг хасми дея эпли, қўли гул, пазанда, одобли қилиб тарбиялаб, вояга етказиб, эзгу ниятлар билан узатсангиз-у, кўзингиздан йироқда уни турмуш ўртоғи ҳўрласа, алам қиларкан одамга. Жияним Дилдора болалигидан қизиқувчан, изланувчан қиз эди. Мактабни аъло баҳоларга битириб, олий ўқув юртида ўқиди. Уни тўртинчи курсда ўқиб юрган кезлари узатдик. Аммо куёв тўра арзиманг юмушларни баҳона қилиб, Дилдорани айблар ва аямай урарди. Ишининг ҳам тайини йўқ. Ота-онасининг сўзига қулоқ тутмайди. Ака-укалари, маҳалла-қўй аралашди ҳамки, фойдаси йўқ. Шу алфозда жиянимнинг хаёти узоққа бормади, турмушидан ажраб, бир қизи билан қайтиб келди. Шунга ҳам ўн йилдан ошди. Ёши 33 да. Қўлида хунари бор. 45 ёшгача бўлган, уй-жойи тайин, олий маълумотли, ишбилармон куёв учраса, узатамиз, деган ниятдамиз.

ЖАМИЛА хола,
Сирдарё вилояти.

Бахтли бўлинг



гаплашиб юрадиган қизларини мактаб қолди. "Қизларнинг энг эўри, интернет маликаси манавиниси!" деб Мухлисанинг расмини кўрсатса бўладими? Беҳаёларча тикилиб, турли хил ишоралар билан тушган расмларини кўриб, кўзларимга ишонмай қолдим. Шундан кейин ҳам қандай қилиб унга уйланишим мумкин?" деди. Икки ўт орасида ёна бошладим. Бир томонда яқин дугонам, бир ёнда эса фарзандим. Ўғлим бир сўзли, қатъиятли, ориятли йигит бўлгани учун ҳам унга эътироз билдира олмадим. Манзураҳонга бир амаллаб бу гапни етказдим. Фотиҳа бузилди, тўй тўхтатилди. Бу воқеага ҳам уч йил бўлди. Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида кўп ўйламан, мулоҳаза қиламан. Нима учун кўпчилик

ТАХРИРИЯТЛАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

НОК



Нокнинг таркибида 16 фоиз қанд, фруктоза, глюкоза, сахароза, органик кислоталар, ошловчи, пектин ва азотли моддалар, 3-5 фоизгача никотин, бириктурувчи тўқималар, ферментлар, А, В1, Р, РР, С витаминлари, 20 фоиз каротин, турли дармондорилар, фоллий кислотаси, темир, кобальт, калий, марганец мавжуд.

Қадимдан халқ таъботида нокдан турли касалликларга қарши фойдаланиб келинган. Халқ таъботида қуритилган нокдан тайёрланган дамлама кучли иситмалашда, шамоллаш ҳамда йўтални бартараф этишда, ичбуруғда тавсия этилади.

Ошловчи модда бирикмаси ва нокдаги пектин таркиби ошқозон-ичак шиллик пардаси касалликларининг олдини олувчи энг яхши воситадир. Шунингдек, сийдик йўлидаги касалликларни бартараф этиб, бактерияларни йўқотишга самарали таъсир кўрсатади.

Ибн Сино нок билан турли хасталикларни даволаган. Қуритилган жароҳатларни битиради, меъдани тозалайди, ташналикни кеседи, сафрони тўхтатади. Нок қоқиси ич кетганида ейилса, ични қотиради, йўтал хуружини пасайтиради. Ширасида пешоб ҳайдовчи хусусият мавжуд. Фақатгина пешоб ҳайдамасдан, балки унинг йўлидаги тошларни тушириши ва шу билан бирга бактерияларга қарши курашиши ҳам аниқланган. Ибн Сино таъбири билан айтганда, нок мевасини кўп ейиш қулунжи (ичак деворларининг яллиғланиши, ичак оғриғи) касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

Бир пиёла нок қоқисини ярим литр сувда қайнатиб, тўрт соат мобайнида тиндирилади. Таомдан олдин ярим пиёладан қунига тўрт маҳал ичилади. Қайнатма тана ҳароратини туширади, ҳазм йўли фаолиятини яхшилайди. Юрак ўйнаганда тинчлантиради, шароби хавфли ўсмаларга яхши фойда беради.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

● Тайёр бўлган қуймоқлар тезда совиб қолмасин десангиз, уларни ликопчага солиб, қайноқ сув солинган идиш устига қўйинг.

● Ваннахонадаги кафеларни ярақлаб туриши учун уларни сирка аралаштирилган сув билан артинг.

● Агар қарилик аломатлари сизда тез намоён бўлишини истамасангиз, қунига 30 дақиқа пиёда юриш ёки бир маромда югуришни қанда қилмаганингиз маъқул.

● Мутахассислар бензолнинг оқ қон касаллигини олиб келишини исботлашган. Шундай экан, машинангизга бензин қуяётганингизда, унинг эшик-ойналарини ҳаммаша маҳкам ёпиб қўйинг.

● Гўшт, тухум ва сутли маҳсулотлар В12 витаминига бой бўлганлиги сабабли камқонликнинг олдини олади.

● Уйқудан олдин кўп суюқлик ичмаслик лозим. Негаки тонгда кўз атрофида шиш пайдо бўлишига олиб келади.

● Ёғочдан ишланган гўшт тахтачаларини гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда бир йилдан ортиқ ишлатиш мумкин эмас.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

Ўқишдан қайтаётиб автобусга чиқдим. Бири хушнуд, бири ҳорғин қиёфалар. Бир-икки ёш йигитчаларнинг катталарга жой бериш ўрнига, "Биз ҳам роса чарчаганмиз", деган иддаоли нигоҳлари. Қариялар чуқур сукут билан ўйга толган... Тўсатдан телефонда гаплашаётган ёшгина кизнинг баланд овози ҳаммининг эътиборини тортиди. У атрофдагиларга парво ҳам қилмай, кимгадир дилидагиларни тўкиб солаётганди. Телефондаги суҳбатдоши (албатта, йигит киши)га "чунонам меҳр кўйганини" яширмас, уни ёқтириб қолганини тинимсиз такрорлаб, учрашувга чорларди. Автобусдаги йўловчиларнинг нигоҳи шу қизга қадалган. Қарамаётганлари ҳам кулогини бекитиб олишдан ожиз. Эшитаётган гапларидан ёқа ушларди. Кимнингдир нигоҳида ғазаб, кимдадир нафрат. "Ота-онаси тарбия бермаган кўринади", деди бир йўловчи кампир куюниб. "Сохибжамол" навбатдаги бекатда автобусдан бамайлихотир тушиб кетди.

Беихтиёр рўпарамдаги аёлнинг сўзлари кулогимга чалинди. У телефон орқали ўғлига: "Танлаган қизингни кўрдим. Унинг гапларини эшитганинда, ер ёрилса-ю, кириб кетсам, деб ўйлардинг. Икки дунёда ҳам бундай қизни келин қилмайман", деди. Келин олиш орузида юрган бу аёлнинг кўнгли чилпарчин бўлгани шундоққина юз-кўзларидан билиниб турарди...

...Учинчи синфда ўқийдиган Умида "Менга ҳам телефон олиб берин", деб хархаша қила бошлади. Ота-она-

си, майли, унинг қаердалигидан хабардор бўлиб турамин, деган ниятда унга энг сўнгги урфдаги телефонни олиб беришди. Негадир шундан кейин аълочи қизанинг ўзлаштириш даражаси пасайиб кетди. Бўш вақт топди дегунча қўлидаги митти овуноғида ўйинлар ўйнар, клиплар томоша қиларди. Унинг учун ўқиш бемаъни ва зерикарли туюла бошлади. Синфдош-



лари ҳам унинг телефонига ҳавас билан қарашарди. Ахир бунақаси бошқа ҳеч кимда йўқ-да. Бора-бора телефон қизалоқнинг бутун хаёлини эгаллади. Утирса ҳам, турса ҳам уни қўлидан қўймайдиган бўлди.

Ота-оналар мажлисидан кайфияти тушиб қайтган Умиданинг отаси "Ўқишингни бузаётган шу матоҳни майдалаб ташламасам бўлмайди", деб ерга қарсиллатиб уриб, синдирди. Қизалоқнинг кўз ёшларига қўшилиб, ўткинчи хаёллари ҳам тарқаб кетди. Бу воқеа бахонасида, аслида, телефон номли "кадрдон"и унинг кимматли вақтини ўғирлаганини тушунди.

XXI аср инсониятга юксак техноло-

Ойна

гияларни тухфа этди. Айтайлик, телефон узокдаги яқин киши билан алоқага чиқиш, ёру биродарларнинг яхши-ёмон кунда суҳбатлашиш, ҳолаҳвал сўраш воситаси. Бироқ ёшлар ундан тўғри мақсадда фойдалана олаётимикин, деган савол туғилади. Енгил-елпи ҳаётни тарғиб қилиб, танишув, ўзаро сохта "ишқий муносабатлар" айнан шу алоқа воситасида болаётигани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги ёшларнинг тўқсон фоиздан ортиги мобиль алоқа воситаси орқали интернетга чиқиш имкониятларига эга. Улар исталган ахборотни қидириб топади ва яқинлари билан баҳам кўради. Бу фойдали, албатта.

Аммо турли ижтимоий сайтлардаги хабарномалар, мулоқотлар таъсирида қизларнинг ахлоқидан салбий ўзгаришлар кузатилаётгани, ўзбекона ҳаё ўрнини юқоридагидек андшасизлик эгаллаб бораётгани ачинарли...

Ҳозирги болаларни ялмоғиз билан кўрқитиб бўлмайди. Чунки у кичик ёшда "ҳаётини тажриба" кўникмаларини доимо ёрдамга шай дўсти телефон орқали бойитиб бормоқда. Болаларни болагидан, айрим йигит-қизларни гўзал ахлоқий тарбиясидан маҳрум этаётган бу замонавий воситадан эҳтиёткорлик билан фойдаланишимиз керакка ўхшайди. Токи бу ўткинчи "овунчоқ" ёшларимиз ҳаётига қора доғ тушишига сабабчи бўлиб қолмасин.

Одина ҚУЛМУРОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

ҲАДЯМИ ЁКИ ХАЙР-ЭХСОН?

Ўзимга тегишли бўлган кўчмас мулкни Меҳрибонлик уйига ўтказмоқчи бўлиб, туман ҳокимлигига муурожаат қилсам, менадан ҳада қилмоқчимисиз ёки хайр-эҳсонми, деб сўрашди. Хўш, ҳада ва хайр-эҳсон шартномасининг қандай фарқли томонлари бор?

С. Нуриддинов.

Ҳада шартномаси ўзаро келишувга асосланган, текинга тузиладиган битим ҳисобланади. Бу шартнома ҳада олувчининг унга таклиф қилинган мулкни ҳуқуқни қабул қилишини назарда тутади.

Ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишини назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай ҳадага нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. Ҳада мулкни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топшириш ҳақидаги фармойиш васиятнома шаклида расмийлаштирилади.

Ҳада шартномасининг нарсаси ашёни келажақда бериш ёки мулкни ҳуқуқни бериш ёхуд ҳада қилувчининг муайян бир ҳуқуқдан воз кечиши (мулкни мажбуриятдан озод қилиш) бўлса, ҳада олувчи ҳада қилувчига нисбатан мажбурият ҳуқуқига эга бўлади. Шартномада ҳада қилинаётган нарса аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкни мажбуриятдан

озод қилиш шаклида ҳада нарсасини аниқ кўрсатмасдан, ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳада этишини ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддаси).

Ҳада шартномасини бирор-бир шарт асосида тузиш ва тасдиқлаш ҳам мумкин. Бу шарт рағбатлантирувчи чора сифатида ҳада олувчини муайян хатти-ҳаракатга (масалан, ўқиши муваффақиятли тугатишга) ундайди ёки муайян шартларга боғлиқ бўлади (масалан, тўй). Бундай шартлар ҳада олувчи учун мажбурий ҳисобланади.

Агар ҳада шартлари қонунсиз бўлса, шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳада шартномаси бекор қилинади.

Умумийдали мақсадларда кўчмас мулк, ашёни ёки мулкни ҳуқуқни ҳада қилиш хайр-эҳсон ҳисобланади. Умумийдали мақсад хайр-эҳсоннинг фарқли белгиларидан ҳисобланади.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Кўчмас мулк хайр-эҳсон қилинганда нотариус кўчмас мулкни, шу жумладан, қорхонани сотиш шартномасига нисбатан қўйиладиган талабларни бажариши лозим. Нотариус тарафларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-507-моддалари мазмунини тушунтириб, бу ҳақда хайр-эҳсон шартномасининг матнига ёзиб қўяди.

Саволга Тошкент вилояти Янгийўл тумани ДНИ нотариуси Гулбахор ФАКИРОВА жавоб берди.




Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 100000. Амир Темурутқаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСҲУРМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОЙБЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Бюрогма Г - 1028. Формати А3, ҳажми 2 табок. Адади - 6634. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5